# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1990 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА
№ 158 (4.951).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади


## Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ



Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкасининг Красногвардейское районидаги Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 13 ёшидан вақти-вақти билан колхозда, 15 ёшидан — машина-трактор станцияси комбайнчисининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини (1955 йил) ва сиртдан Ставрополь қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини (1967 йил) тамомлаган.

Университетни тамомлагандан кейин ўз юртида, Ставрополь ўлкасида, — аввалига ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича ишлади, бироқ тез орада комсомол ишига кўтарилди.

1962 йил мартида Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси этиб сайланди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди. 1966 йил сентябрида Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. 1968 йил августидан КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи котиби лавозимида ишлади, 1970 йил апрелида эса биринчи котиб қилиб сайланди.

1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг котиби, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод қилиб сайланди. 1980 йил октябрида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига ўтказилди. 1985 йил мартида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби қилиб сайланди.

1988 йил октябридан — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, 1989 йил май ойидан — СССР Олий Советининг Раиси бўлиб ишлади. 1990 йил мартида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти лавозимига сайланди.

1990 йил 10 июлда КПСС XXVIII съездида яна КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди.

Бир қанча давлат мукофотларига сазовор бўлган.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

# АХБОРОТ

1990 йил 10 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Кечқурунги мажлисда делегатлар КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг раҳбари В. А. Медведевнинг ахборотини тингладилар.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Бош котибини сайлаш юзасидан овоз бериш ўтказилди.

Шундан кейин съезд қатнашчилари КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Кечки мажлис охирида саноқ комиссиясининг раиси овоз бериш натижаларини эълон қилди. М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди. Делегатлар саноқ комиссиясининг протоколини тасдиқладилар.

Съезд қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Президенти М. С. Горбачев қисқа нутқ сўзлади.

* * *

1990 йил 11 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Озарбайжон ССР Президенти А. Н. Муталибов раислигида ўтди.

Съездда резолюциялар лойиҳаларини муҳокама қилиш давом этди.

Танаффусдан сўнг мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачев раислик қилди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар.

## КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг

# *РЕЗОЛЮЦИЯСИ*

Съезд, партия Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботини — маърузачи КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев, тинглаб ва муҳокама қилиб — шуни қайд этадики, партиянинг XXVII ва XXVIII съездлари ўртасидаги даврда жамият ҳаётида чуқур ўзгаришлар рўй берди. КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси сиёсий раҳбарликнинг коллектив органлари сифатида партиянинг, барча тараққийпарвар кучларнинг эътиборини мамлакатни инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат томон революцион тарзда буриб юборишга қаратдилар.

Мамлакатга, халққа, партияга, социалистик ғоянинг ўзига ниҳоятда катта зарар етказган мустабид сталинча система бартараф этилаётир. Эркин фуқароларнинг социалистик қадриятларга асосланган жамияти қарор топаётир.

Бутун сиёсий устқурма тубдан ўзгартирилиб, инсон ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, эркин сайловларга, кўп партиявийликка имкон берадиган чинакам демократия мустаҳкамланмоқда.

Ортиқ даражада марказлашган давлат халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзи белгилашига ва ихтиёрий равишда бирлашувига асосланган ҳақиқий иттифоқ давлатига айланмоқда.

Мафкуравий буйруқбозлик ўз ўрнини эркин фикр юритиш ва ошкораликка, ахборотларнинг ошкоралигига бўшатиб бермоқда.

Меҳнаткашларни мулкдан ва ўз меҳнати натижаларидан бегоналаштириб қўйган давлат — монополия ишлаб чиқариш муносабатлари бузиб ташланаётир.

Социалистик ишлаб чиқарувчиларнинг эркин беллашуви учун шароит вужудга келаётир.

Шундай қилиб қайта қуриш даврида қабул қилинган партия қарорлари халқ ҳокимиятини қайта тиклаш, демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, янги сиёсий тафаккурни шакллантириш, иқтисодийислоҳотни рўёбга чиқариш юзасидан амалий ишлар қилиш учун имконият яратди. Буларнинг ҳаммаси миллионлаб кишиларни сиёсий ҳаётга жалб қилиб, қайта қуришнинг барқарор бўлишига ёрдам бермоқда.

Съезд шуни таъкидлайдики, партиянинг тақдири, унинг тарихий истиқболи қайта қуриш мақсадларига эришиш билан, халқ турмушининг яхшиланиши билан бевосита боғлиқдир. Съезд КПССнинг қатъий янгиланиши, ақидапарастликдан холи бўлиш, омма орасида сиёсий иш олиб бориш санъатини, одамларни ҳақиқат кучи, далиллар билан жалб қилиш, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан амалий ҳамкорлик қилиш маҳоратини эгаллаш, энг муҳими эса амалий ишлар қилиш тарафдоридир.

Съезд айтадики: фикрдошларнинг ихтиёрий иттифоқи бўлган КПСС социалистик йўлни танлаган ва коммунистик истиқболга интиладиган партия бўлиб қолади, у ўз сиёсати билан ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, бутун меҳнат аҳли манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Бу унинг умумбашарий, инсонпарвар қадриятлар, ижтимоий адолат тарафдори эканлиги билан боғлиқдир. Коммунистларнинг аксарияти халққа ҳалол хизмат қилиб келдилар ва хизмат қилмоқдалар. Улар Сталин ва унинг шериклари қилган жиноятлар учун, турғунлик йилларида сиёсий раҳбариятнинг хатолари учун жавобгар эмаслар.

(Давоми учинчи бетда).

## ҚАЙТА ҚУРИШНИ ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК

Михаил Сергеевич Горбачев яна КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди. Бу — партия XXVIII съезди саккизинчи иш кунининг энг асосий янгилиги бўлди. Овоз бериш натижалари сешанба куни кечқурун эълон қилинди.

Шу куни эрталаб эса, одатдагидек, делегатлар съезд ҳужжатларига оид ишни давом эттириш учун Кремлнинг Съездлар саройига тўпланишди.

10 июль эрталабки мажлисда **М. С. Горбачев** Марказий Комитетнинг XXVIII съездга Сиёсий ҳисоботи муҳокамасини якунлади, (М. С. Горбачев нутқи матбуотда эълон қилинади).

Шундан кейин раислик қилувчи **С. И. Гуренко** съезд таҳрир комиссиясининг раиси **В. А. Ивашкога** сўз берди. У Марказий Комитетнинг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция устидаги иш ҳақида ахборот берди. Комиссияга 1500 тадан кўпроқ мулоҳаза ва таклиф тушди, деб таъкидлади у. Хўш, уларнинг таҳлили нимани кўрсатди? Аввало — бу мулоҳаза ва таклифларнинг қарийб ярми съезд алоҳида ҳужжатлар қабул

(Давоми учинчи бетда).

## КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи муҳокамасининг якунлари юзасидан

# М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Мунозара энди авж олмоқда, кўп иш ҳали олдинда турибди. Мунозара шу ерда, мана шу залда ҳам, секцияларда, комиссияларда ҳам давом этди. Бу секциялар ва комиссиялар ишида съезд делегатлари фаол қатнашмоқдалар. Бунга ишчи, деҳқон делегатлар, партия ташкилотларининг, район ва шаҳар партия комитетларининг котиблари, аграр ходимлар билан бўлган учрашувларимиздаги баҳсларни ҳам қўшадиган бўлсак, айтиш мумкинки, съезд кўп нарсани юзага чиқарди. Бир томондан, мамлакатда юз бераётган жараёнлар ҳақида биз билган гаплар тасдиқланди. Лекин съезд, айниқса, жамиятимизда у ёки бу тамойиллар ривожланадиган бўлса, уларнинг мумкин бўлган оқибатларига баҳо бериш нуқтаи назаридан қараганда биз билган нарсаларга яна кўп нарсани қўшди.

Мен ҳозир тўла якун ясашга даъвогар эмасман — бу ишни съезддан кейин партиянинг янги сайланган Марказий Комитети ва унинг органлари, барча даражадаги партия комитетлари амалга оширадилар. Ҳамма нарсани бирваракайига бир жойга тўплаш жўн эмас. Ҳозирги босқичда нималарни сезаётган, бошдан кечираётган ва баҳолаётган бўлсам, худди шундай гапираман.

Мунозара умуман ақл-идрокнинг ҳолатини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, сиёсий турмушдаги аҳволни, мамлакатда юз бераётган қайта қуриш жараёнларининг кескинлигини акс эттирди. Унда юзаки, тасодифий, аччиқ устида, ташвишлар зўрлигидан айтилган гаплар ҳам кўп бўлди, ҳатто ғазабланиш ёки баҳс юритишни билмаслик оқибатларида айтилган гаплар ҳам бўлди. Нима ҳам дердик, ҳаммамиз ўрганамиз. Воқелигимиз ана шундай.

Мен муҳокама марказида турган, энг қизғин баҳсларга сабаб бўлган ва бу хусусда энг кўп савол берилган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатмоқчиман. Масалани шу тарзда қўйиш тўғри бўлади, деб ўйлайман: ҳозир мунозарадан, съездимизда бўлаётган ишлардан қандай сабоқ чиқариб олиш мумкин?

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, озгина истисно билан қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл, жамиятимизни социалистик йўл доирасида янгилаш шубҳа остига олинаётгани йўқ, уни съезд қўллаб-қувватламоқда. Делегатларнинг кўпчилиги қайта қуришни ҳаётнинг ўзи тақозо этганлигини ва у иқтисодиётдан тортиб маънавий соҳагача барча йўналишларда сиёсатга айланиб, ҳозирнинг ўзидаёқ жамиятда улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келганини ва бутун тараққиётимизга шундай катта таъсир ўтказаётганини тушуниб турибди. Менинг позициям қуйидагилардан иборат — бу хусусда сизлар аниқ-равшан тасаввурга эга бўлишларингиз керак. Хатолар, нуқсонлар, кечикишларга қарамай (бу ҳақда делегатлар бу ерда тўғри гапиришди ва қаттиқ танқид қилишди, чунки бу жамият ва партия учун катта маҳрумликларга айланди), мамлакатдаги ҳозирги аҳволнинг фожиали эканлигига қарамай, юз берган ўзгаришларнинг умумий якунини мен жуда катта ва илғор якун деб ҳисоблайман.

Съездда қайта қуриш нима берганлиги тўғрисидаги фикрлар тўқнашди. Қайта қуриш самараларига арифметиканинг тўрт амалидан фойдаланиб, дорихона тарозисига солиб баҳо беришга уринишлар бўлди. Бу жиддий иш эмас, ўртоқлар. Қайта қуриш, жамиятни инқилобий ўзгартириш каби ҳодисаларга янги мезонлар, тарихий кўламдаги мезонлар билан баҳо бермоқ лозим.

Қайта қуриш зарурлигини, у шунчаки бинонинг олдини безаб кўрсатиш эмас, балки инқилоб эканлигини ҳақиқатан ҳам тушунган кишилар ҳали кўп нарсаларни бартараф этиш лозимлигини англайдилар. Қайта қуриш ташаббускорлари номига айтилган танқидни у қанчалик кескин бўлмасин, қабул қилар эканман ва ҳисобот маърузасига танқидий баҳо берилганига қарамай, мен унда айтилган гаплардан сира воз кечмайман, чунки уларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб ва ўлчаб кўрилган.

Эришилган натижаларнинг энг ижобий жиҳати шундаки — жамият эркинликка эришди. У халқнинг куч-ғайратини бўғиб турган нарсалардан ҳоли бўлди, ақидалар ҳамда эски схемалар бўғиб турган ғояларга, мамлакат тақдири учун, социализм тақдири учун қайғуришга йўл очиб берди, миллионлаб кишиларни сиёсатга жалб этишга ва етилган ҳаётий ўзгартиришларни бошлаб юборишга имкон берди. Агар эркинлик бўлмаганида эди, шу съезд ҳам, съезд ўтаётган муҳит ҳам бўлмас эди.

Сталинчилик ва турғунликнинг бўғиқ ва қатағон муҳитида тўпланиб қолган ва ҳозир юзага чиққан нарсаларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилли ва амалий бўлмади. Аммо бу билан ҳисоблашишга тўғри келади — чунки бу инқилоб, инқилобнинг дастлабки вазифаси ҳамиша халққа эркинлик беришдан иборат бўлади. Қайта қуриш ҳам ўзининг демократиялаши, ошкоралиги билан ана шу энг муҳим вазифани бажарди.

Жамият учун маънавий тикланиш ҳаво каби зарур. Бу жараён кўз ўнгимизда юз бермоқда ва бу жараён барча камчиликларга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта таъсир ўтказди. Жамият бошқача бўлиб қолди, сиз билан биз ҳам бошқача бўлиб қолдик. На партия, на умуман мамлакат, на эски ва на янги тузилган ташкилотлар ва ҳаракатлар, янги ҳокимиятимиз, сиз билан биз — ҳаммамиз, ўртоқлар, эришилган эркинликдан фойдаланишни ўрганиб олмаганлигимиз эса бошқа масаладир.

Шу сабабли биринчи навбатдаги вазифа ана шу эркинликдан фойдаланишни тезроқ ва яхшироқ ўрганиб олишдан иборат.

Сиёсий ислоҳотда етарли даражада илгарилаб кетдик, халқнинг ўз иродасини демократик ифода этиши негизида юқоридан тортиб қуйигача ҳокимиятнинг янги структураларини барпо этдик. Улар янада такомиллашмоқда, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ демократиямизни, ҳуқуқий давлат тушунчасини аниқ-равшан мазмун билан тўлдириб, ишлай бошлади. Унинг ишида ожиз томонлари кўп, тажриба етишмайди, иш тартиби ва воситалари созланмаган, кўпинча сиёсий маданият ва ўқув, махсус билим етишмайди — бу ҳақда шу кунларда кўп гапирилди. Советларнинг кадрлар туркумини шакллантириш жараёни ҳали тугалланмаган. Шунга қарамай янги Советлар иш қила бошлади, халқ депутатларининг масъулияти, аниқ муаммолар, аҳолининг эҳтиёжлари билан тезроқ шуғулланиш муддаоси кучайиб бормоқда.

Шу тариқа чинакам Совет ҳокимияти қайтадан тикланаётганлиги қувончли воқеа, қайта қуришнинг энг муҳим ғалабаларидан биридир, бунда коммунистлар, партия ташкилотлари қатнашдилар ва ҳозир ҳам қатнашмоқдалар. Шунга қарамай, баъзи жойларда Советлар билан партия ўртасида бироз ажралиш, айтишим мумкинки, совуқчилик сезилмоқда. Бу соҳада коммунистлар ғоят диққат-эътиборли бўлишлари ва аввало, ўзларига назар ташлашлари керак. Ишни ҳамиша ўзидан бошлаш лозим. Бу бегоналашув биз Советлар билан алоқада буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасидан мерос қолган олдинги усуллардан ҳеч қутула олмаётганимиз билан боғлиқ эмасмикан? Янги ҳокимият органлари ўз томонидан бундай эътирозларга қийинчилик билан муносабат билдирмоқдалар.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш, қарорларни амалга ошириш воситаларини вужудга келтириш эндиликда барча даражадаги Советларнинг ҳокимият ва ҳуқуқларни тезроқ қўлга киритиши билан бевосита боғлиқ эканлигини маърузамда айтиб ўтдим. Буни яна бир бор такрорламоқчиман. Бу ишда ёрдам бериш партиянинг, партия ташкилотлари ва комитетларининг, Советларда ва ишлаб чиқариш жамоаларида ишлайдиган коммунистларнинг муқаддас бурчидир. Мен шу билан бир вақтда Советларнинг депутатларини ҳам амалий тарзда, Конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилишга даъват этаман. Уларга мен биринчи навбатда Президент сифатида мурожаат қиламан. Депутатларнинг бир қисми, очиғини айтамиз, мухолифлик позициясига ўтиб олмоқда, бу ҳеч қандай яхшилик келтирмайди. Агар коммунистлар ҳозирги вақтда янгиланган Советлар нима эканлигини, уларнинг ўзлари халқ манфаатларини кўзлаб вазиятни нормализга солишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини тушунмас эканлар, бу яхши эмас. Агар Советлар партия ташкилотлари билан алоқа қилиш зарурлигини тушунмас эканлар, бу яхши эмас.

Мунозаранинг иккинчи сабоғи тўғрисида гапирганда, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда бу йўл ҳамиша ҳам изчиллик билан ўтказилмаганлиги хусусида жуда кўп ўткир танқидий мулоҳазаларни айтган делегатларнинг фикрларини ажратиб кўрсатмоқчиман. Ижтимоий жараёнларни йўналтириб туриши ва салбий ҳодисалар юз беришининг олдини олиши лозим бўлган кўпгина муҳим қарорлар ва қонунлар бажарилмай қолди. Шуларнинг ҳаммасини ўйлаб кўриш ва келажак учун хулосалар чиқариб олиш керак.

Шундай бўлдики, биз ҳаёт талабларига тезроқ жавоб қайтаришга ва зарур қонунлар ва қарорларни қабул қилишга интилиб, уларни бажаришга кам эътибор бердик, аслини олганда бизда қарорлар ва қонунларнинг бажарилишини таъминлайдиган чинакам воситаларнинг ўзи барпо этилмаган. Ана шундан президентлик ҳокимияти зарурлиги равшан бўлди, сиёсий ислоҳотни тезроқ ўтказиш, янги Советларни барпо этиш зарурлиги равшан бўлди, чунки буларсиз қонунларнинг ўзи муаллақ бўлиб қолаверади.

Булар кўп жиҳатдан марказнинг виждонига ҳавола. Лекин жумҳурият ва маҳаллий босқичларда ишловчи ўртоқларнинг масъулияти ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Биз марказда жойларга, жойларда марказга имо қилмасдан ҳамкорлик қилишимиз, куч-ғайратларни бирлаштириб ҳаракат қилишимиз лозим, айбдорларни четдан қидирмаслигимиз керак.

(Давоми иккинчи бетда).

